

КОНСНИЛАР НАҲОТИ

Gazeta 1991-yildan chiqa boshlagan

№15 (825), 2026-yil, 18-avgust

facebook.com/nkmkofficial

t.me/ngmkofficial

instagram.com/nkmk.official

www.ngmk.uz



Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунига

САҲРО МУЎЖИЗАСИНИ ЯРАТГАН ҚАҲРАМОНЛИК



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида кейинги йилларда амалга оширилган жадал ислохотлар Янги Ўзбекистонда қурилишлар кўламини ошириб юборди ва қурилиш соҳаси миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоғига айланди. Бу ҳар жиҳатдан моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморлар, лойиҳачи ва мутахассислар меҳнати ва маҳоратиға боғлиқ.

Бундай улкан бунёдкорликлар нафақат муҳандислик ечими, балки инсон иродасининг маҳсулидир. Сўнгги ўн йилда амалга оширилган ишлар натижасида Навоий кон-металлургия комбинати юқори технологик sanoat кластери мавқиени янада мустаҳкамлади. Йирик инвестицион лойиҳалар, катта қурилишлар ва sanoatда эришилган технологик инқилоб туфайли корхонамиз тарихий натижани

қайд этди. Бунда, кўпминг кишилик жамоа билан бир сафда моҳир қурувчиларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Дарҳақиқат, қурилиш соҳаси масъулияти, машаққатли ва шарафли касблардан биридир. Яхши биламизки, қурилиш дегани, бу - ўз-ўзидан бўлиб қоладиган осон иш эмас. Бунда, лойиҳани мукаммал ишлаб чиқишдан уни амалга

оширишгача бўлган мураккаб жараён юқори сифат ва самарадорлик, фидойилик ва меҳнат, маҳорат ва тажриба талаб этади.

Бугун корхонамизда соҳанинг ана шундай шарафга лойиқ 3 минг нафардан ортик вакиллари ишлайди. Улар оддий бетон қуювчи ёки гишт терувчилар эмас, балки замонавий sanoat архитектурасини яратувчи, энг мураккаб технологик чизмаларни ҳаётга татбиқ этувчи юқори малакали мутахассислардир. Зарафшон қурилиш бошқармаси ана шундай профессионал жамоани жамлаган йирик қурилиш ташкилоти ҳисобланади. Бошқарма улкан ишлари билан нафақат НКМК, балки Янги Ўзбекистон sanoat қурилишининг тажриба мактабига айланди.

Қурилиш соҳамиз ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Таҳлил - таққосларга кўра, соҳа тарихи ва тараққиётини уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси, комбинат илк ташкил топган йилдан то мустақилликгача бўлган даврдир. Иккинчи босқич 1991-2016 йилларни ўз ичига олади. Учинчи босқичга эса улкан тараққиёт даври бўлган сўнгги ўн йиллик қиради. Улар ҳақида таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, комбинатда қурилиш соҳасига етмиш йил аввал пойдевор қўйилган. Айтишларича, илк иш бошлаган қурувчилар палаткаларда яшаб, сувсиз ва йўлсиз саҳрода иш бошлаган. Уша дастлабки пайтларда ҳозиргидек имкониятлар бўлмаган.

Давоми 2-бетда

Ислохот

ТИББИЁТ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Яқинда Навоий кон-металлургия комбинати Тиббий-санитария бўлимида замонавий ангиография бўлими фойдаланишга топширилди.

Мазкур янги бўлимининг ташкил этилиши комбинат ишчи-ҳодимлари ва ҳудуд аҳолисига юқори малакали, сифатли ҳамда замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Бўлимини замонавий ангиография аппарати, реанимация аппаратлари ва дефибрилляторлар каби зарурий тиббий ёрдам олишини таъминлайди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда комбинат мутасаддилари, тиббиёт соҳаси мутахассислари иштирок этишди.

Очилиш маросимида НКМК ходимлари қасаба уюшмаси Кенгаши раиси И.Раҳматов сўзга чиқиб, бугунги кунда тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар ҳусусида гапирди. Ушбу замонавий ускунадан самарали фойдаланиш ва илгор амалиётларни йўлга қўйиш мақсадида Беҳрўз Баҳронов, Шерзод Аҳмедов ва Улуғбек

Рамазовов каби юқори малакали, тажрибали интервенцион кардиологлар жалб этилди. Юқори салоҳиятга эга шифокорлар Россиянинг А.Н.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлик институтида катта амалий тажриба тўплаган мутахассислар ҳисобланишади.

Юрак-қон томир касалликлари жаҳон миқёсида ўлим кўрсаткичларининг асосий сабабларидан бири экани ҳисобга олинса, мазкур бўлимининг ишга туширилиши юзлаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга, - дейди Тиббий-санитария бўлими бошлиғи Алишер Тўқсанов. - Хусусан, бу ерда юрак коронар қон томирлари муаммоларига дуч келган ва шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож беморларга юқори малакали хизмат кўрсатилади. Айниқса, янги тиббий жиҳоз ёрдамида коронар қон томирлари, уйқу ва сон артерияларида коронарография текширувларини ўтказиш, шошилиш ҳолатдаги беморларнинг юрак-қон томир тизимига юқори технологик стэнд қўйиш, шунингдек, бачадон миомасини эмболизация қилиш каби ноёб амалиётларни бажариш имконияти яратилди. Замонавий эндоваскуляр жарроҳлик юрак ва қон томирларида катта кесмаларсиз, махсус асбоб-ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Унинг афзаллиги шундаки, кўкрак



қафасини ёриш талаб этилмайди, беморлар қисқа вақт ичида тикланади, оғриқ кам бўлиб, асоратлар ҳавфи сезиларли даражада паст бўлади. Илгари беморлар бундай мураккаб текширув ва амалиётлар учун бошқа вилоятлар ёки пойтахтга боришга мажбур эди. Эндликда бу каби ихтисослашган тиббий хизматларнинг бевосита Навоий шаҳрида йўлга қўйилгани навоийликларнинг ортикча оворагарчиликлариға барҳам беради. Муҳими, замонавий аппарат ёрдамида ҳавфли хасталиклар эрта босқичда аниқланади. Натижада кўплаб миокард инфаркти ҳолатларининг олди олинади. Шунингдек,

инфарктолди, инфарктдан кейинги ҳолатдаги ҳамда ишемик инсульт билан оғриган беморларга жаҳон стандартлариға мос юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилади. Тadbир якунида йиғилганлар замонавий талаблар асосида жиҳозланган ангиография бўлимида беморлар учун яратилган шaroитлар билан танишдилар. Уша куниде мазкур бўлимда илк мураккаб кардиокарроҳлик амалиётлари бажарилди. Шифокорлар юқори технологик операцияларни муваффақиятли ўтказишмоқда.

Дил НУР.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиғига

ТАНИҚЛИ ИЖОДКОРЛАР ИШТИРОКИДА

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда юксак ватанпарварлик, миллатлараро тотувлик ва халқлар дўстлиғи ғояларини кенг тарғиб этишга қаратилган қатор маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ҳамкорлиғида Навоий, Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарларида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, таниқли шоир Ғайрат Мажд, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли шоир Салим Ашур ҳамда филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов каби ижодкорлар Марказий, Шимолий ва “Қизилқум” кон бошқармалари, “Мурунгов”, “Довғизтов”, “Аулинзо-Амантой”, “Пистали” конлари ҳамда кейинги ўн йилда фойдаланишга топширилган 5-, 6- ва 7-гидрометаллургия заводларида бўлиб, корхона ходимлари билан учрашувлар ўтказдилар.

Навоий кон-металлургия комбинатиға ижодий сафаримиздан кўзланган асосий мақсад меҳнат жамоаларида маънавий муҳитни янада юксалтириш, юртимиз тараққиёти йўлида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган инсонларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини эътироф этиш, миллий қадриятлар, Ватанга мухаббат, халқлар дўстлиғи ва мустақиллик ғояларини кенг тарғиб қилишдан иборатдир, - дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажд.

Учрашувларда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, давлат мустақиллигининг тарихий аҳамияти, миллий адабиётнинг инсон маънавиятини юксалтиришдаги ўрни, китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби долзарб мавзуларда маърузалар қилинди.

Заводимизда ижодий ўқушдаги мулоҳазалар мароқли кечди. Таниқли шоир ва адиблар томонидан билдирилган мустақиллик, тинчликни улуғловчи фикр-мулоҳазалар, Ватан, дўстликни мадҳ этувчи шеърлар жамоамизға маънавий ҳордиқ, ватанпарварлик туйғусини, куч-ғайрат ва фахру ифтихор бағишлади, - дейди 7-ГМЗ кадрлар бўлими мутахассиси Ашур Алиев.

Тадбирларда корхоналарнинг меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқаришда юқори натижаларға эришадиган муҳандис-техниклар, ишчи-ҳодимлар ҳамда ёш мутахассислар билан очик мулоқотлар ташкил этилди. Меҳнат инсон қамолотининг асосий мезони экани, ҳалол меҳнатнинг жамият тараққиётидаги ўрни, илм-маърифат ва китобхонликнинг аҳамияти ҳақидаги мулоҳазалар айтилди.

Ижодий учрашувларда шоирлар ўзларининг Ватан, мустақиллик, тинчлик, инсон қадри ва меҳнатни улуғловчи шеърларидан намуналар ўқиб эшиттирдилар.

Азамат ЗАРИПОВ.

Эътироф

МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ ТОПШИРИЛДИ

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти фаолиятида халқаро стандартларни жорий этиш, комплаенс-менежмент, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, коррупцияға қарши кураш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Комбинат фаолияти навбатдаги ISO 37301:2021 халқаро стандарти талаблариға мувофиқлиғи аудитдан ўтказилди. Аудит натижаси бўйича 3 август кун мазкур халқаро сертификатни топширишға бағишланган тадбир ўтказилди. Сертификатни «НКМК» АЖ Бошқаруви раиси - Бош директори Қувондиқ Санақулов қабул қилди.

ISO 37301:2021 “Комплаенс-менежмент тизими” халқаро стандарти самарали ва кенг тарқалган бошқарув тизими бўлиб, ташкилотнинг тегишли қонун, қоидалар, стандартлар, шунингдек, бошқарув стандартлари, илгор амалиётлар, ахлоқий стандартлар ва жамоатчилик қутилмалариға риоя қилишини тасдиқловчи халқаро стандарт ҳисобланади.

Комбинатда ISO 37301:2021 хал-

қаро стандартининг жорий этилиши ходимларнинг ҳалоллигини ошириш, ҳуқуқбузарликларни қамайтириш, компаниянинг халқаро нуфузи, имижини юксалтириш ҳамда фаолиятнинг шаффоф ва самарали тизимини яратиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу стандартни жорий этишда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияға қарши курашиш агентлигининг методологик жиҳатдан кўрсатган ёрдами алоҳида эътироф этиш лозим. Тадбирда Коррупцияға қарши курашиш агентлиги директори ўринбосари Умида Тўхташева видеоконференс алоқа орқали иштирок этиб, комбинат жамоасини ушбу ютуқ билан табриклади ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

“НКМК” АЖ Матбуот маркази.

■ Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунига

САҲРО МЎЪЖИЗАСИНИ ЯРАТГАН ҚАҲРАМОНЛИК

■ Охири. Бошланиши 1-бетда

Оқибатда, кончилик ва металлургия саноати, ижтимоий соҳа объектлари қурилишлари узоқ мuddат давом этган. Бунинг сабаби: солиқ итти-фоқ даврида ҳар бир смета марказдан тасдиқлан-ган, жиҳоз ва эҳтиёт қисмлар, мутахассислар чет-дан олиб келинган. Бошқарувда деярли маҳаллий кадрлар бўлмаган. Борлари ҳам оддий касбларда ишлаган. Бу – ориқча сарсонгарчиликлар, қури-лишда узилишлар, таннархнинг сунъий ошиши ва бошқа сабабларни келтириб чиқарган.

Шундай бўлсада, комбинатга асос солинган дастлабки йилларда 1 ва 2-гидрометаллургия заводлари, “Мурунтов” қони ва бошқа кон-шах-талар, Амударёдан Қизилқумгача йирик сув ин-шооти, Навоий, Зарафшон, Учқудук, Нуробод шахарлари, Зафаробод қўргони, бу масканларда кўплаб ижтимоий соҳа объектлари қурилди. Бун-ёдорлик ишлари ҳажми ортиши натижасида 1965 йилда Зарафшон қурилиш бошқармаси дастлаб Марказий кон бошқармаси таркибида қурилиш участкаси сифатида ташкил этилиб, 1967 йилдан алоҳида қурилиш-монтаж бошқармаси сифатида ўз фаолиятини давом эттирган, унинг таркибида “Саноатэлектромонтаж” трести, “Навоий” қури-лиш-монтаж бошқармаси ташкил этилди. Охириги ўн беш йилда улар йирик ва қудратли қурилиш ташкилотларига айланди.

Ундан кейинги босқич эса 1991-2016 йилларга тўғри келади. Мустақиллик берган имкониятлар барча соҳаларда бўлгани каби қурилиш соҳасида ҳам янги даврни бошлаб берди. Комбинатда ҳам бир қатор қурилишлар амалга оширилди. Жум-ладан, 3-гидрометаллургия заводи қурилиши ва 1995 йилда фойдаланишга топширилиши, 2010 йилда 4-гидрометаллургия заводи барпо этилиши энг йирик лойиҳалардан бўлди. Айниқса, комби-нат мутахассислари томонидан 4-гидрометал-лургия заводининг четдан ҳеч қандай кўмаксиз ўн ойда қуриб, ишга туширилиши тарихий қадам бўлди ва ўзимизга бўлган ишончини оширди. Бу биз учун биринчи тажриба-синов эди.

Ваҳоланки, бунга қадар қурилган 1-гидроме-таллургия заводи беш йилда (1968-1972 йй.), 2-гидрометаллургия заводи олти йилда (1958-1964 йй.) қурилган. Бу – китоблар, даврий нашр-ларда ёзиб қолдирилган тарихий ҳақиқатдир.



2016 йилдан ҳозиргача бўлган босқичда қури-лиш суръати кескин ошди. Бу даврда соҳага “Тез-кор қурилиш” (Fast-track) усули жорий этилиши соҳада туб бурилиш ясади ҳамда одатда 4-5 йил давом этадиган завод қурилишларини 2-3 йил ичида якунлаш имконини берди. Айниқса, лойи-ҳалаш, ускуналарни етказиб бериш ва қурилиш ишлари бир вақтнинг ўзида олиб борилгани қурув-чилардан юқори профессионаллик, фидойиликни талаб этди. Бунинг ҳисобига сўнгги ўн йилда умум-ий қиймати 4,9 минг доллар бўлган 25 тадан ор-тиқ йирик лойиҳалар амалга оширилгани корхона фаолиятида илгари бўлмаган улкан натижаларни берди, яъни, олтин ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилга нисбатан 35,1 фоизга ошди. Қурувчи ва му-тахассислар меҳнати ва салоҳияти билан қисқа даврда 3 та замонавий гидрометаллургия заво-ди, 2-гидрометаллургия заводининг 2-навбати, 218 километрлик темир йўл, 9 та ижтимоий соҳа объектлари барпо этилгани қурилиш индустрия-

сининг улкан техник салоҳиятга эга эканлигини кўрсатаётти. Бунинг натижасида, ёшларимиз учун 2016-2025 йилларда 18,8 мингта янги иш ўринла-ри яратилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, гидро-металлургия заводларини қуриш оддий бино қу-ришдан тубдан фарқ қилади. Бундай заводлар оғирлиги юзлаб тонна келадиган тегирмонлар ва реакторларга мўлжалланган, махсус тебранишга чидамли мустаҳкам бетон пойдеворлар асосига қурилади ва минглаб тонна металл конструкция-ларни юқори аниқликда йиғиш талаб этилади. Коммуникациялари ҳам ўта мураккаб. Жумладан, кимёвий реагентлар, кислоталар ва маъданли пульпа ҳаракатланиши учун километрлаб махсус қувурлар ётқизиш керак бўлади.

Шунингдек, Зарафшон шахрида “Умид” бо-лалар реабилитация маркази, 504 ўринли икти-сослаштирилган мактаб-интернати, Фавворалар сайилгоҳи, “Тўдақўл” дам олиш базасида Халқаро

шахмат мактаби, Зомин туманида “НКМК” сана-торийси, Учқудук туманида “Олтинқўл” дам олиш мажмуаси ва бошқа ижтимоий объектлар бунёд-корларимиз меҳнати натижасидир. Бу объект-ларнинг барчаси кучли зилзилаларга бардошли бўлиб, хавфсизлик стандартларига тўла жавоб беради.

Амалга оширилган лойиҳаларнинг техник-иқ-тисодий асослари, технологик ечимлари ўта му-раккаб, ҳар бири ҳажм жиҳатидан ниҳоятда йирик эди. Лекин маҳаллий кадрлар, моҳир қурувчилар-римизнинг фидокорона меҳнати, ақл-заковати, бой тажрибаси билан барча лойиҳани тез суръат-ларда, ҳар бирини мuddатидан олдин фойдала-нишга топширдик.

Ҳар гал бу объекتلарга борганимда, уларда ишлаб чиқариш жараёнида жадал давом этаёт-гани, комбинатга, халқимизга катта фойда келти-раётганига ғувоҳ бўлиб, бунда, қурувчиларимиз-нинг муносиб ҳиссаси борлигидан қувонаман. Шунда, муқтарам Юртбошимизнинг: “Ҳар бир қурилган бино – бу бизнинг келажак авлодларга қолдирадиган буюк меросимиз, ҳар бир қўча ва шахарчанинг қўрнишида сизларнинг қўл изингиз борлигини, инсонлар бахти ва қувончи айнан сиз-ларнинг меҳнатингиз билан боғлиқлигини ҳеч қач-он унутман!” - деган эътирофи ёдimgа тушади.

Комбинат шонли тарихида барча йўналишлар-да бўлгани каби қурилиш соҳасига бўлган алоҳи-да эътибор “Иш қурулини соз бўлса, машаққатинг оз бўлар” нақлига амал қилиб, 2008 йилдан бош-ланди ва қурилиш ташкилотлари моддий-техник базаси замонавий қурилиш техникалари ҳисобига тубдан янгиланди.

Жамоамизнинг яна бир катта ютуғи, бу – 20 турдан ортиқ қурилиш материалларини корхона-нинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйилганли-гидир. Ушбу сазъ-ҳаракатлар импортни камай-тириш, қурилишларга материалларни ўз вақтида етказиб бериш, таннархни камайтириш имконини бермоқда. Биргина, 2025 йилда ўзимизнинг бетон заводлари, гишт ишлаб чиқариш цехлари ва ме-талл конструкцияларни йиғиш майдончаларида жами 618,3 миллиард сўмлик қурилиш материал-лари ишлаб чиқарилди. Биз ҳозирча фақат комби-нат эҳтиёжи учун ишлаймиз. Тўплаган тажриба ва имкониятларимиздан келиб чиқиб, келгусида

четдан ҳам буюртмаларни олишни мўлжаллаяп-миз. Бунинг учун барча имкониятлар, ишчи кучи, техникалар етарли.

Кейинги йилларда сафимизга қурувчиларнинг ёш, янги маҳаллий авлоди кириб келди. 2000-2025 йилларда кўплаб ҳамкасбларимиз давлат мукофотлари соҳиблари бўлишди. Али Эшонқу-лов, Тўрақул Жўраев “Ўзбекистон Республикаси-да хизмат кўрсатган қурувчи” унвони, Фахриддин Қўлдошев “Фидокорона хизматлари учун” орде-ни, Фарҳод Бахронов, Албина Погосская, Бахти-ёр Жўраев, Замира Сапарова “Дўстлик” ордени, Неъмат Рузиев, Вахтанг Капанадзе, Гаухарбек Раҳмонов, Наримон Авазов “Меҳнат шухрати” ор-дени, Уйғун Раҳмонов, Рашид Булатов “Шухрат” медали ва бошқа ҳамкасбларимиз турли муко-фотлар билан тақдирланди.

Шу қунарда юртимизда мустақиллигимизнинг ўттиз беш йиллигига қизгин тайёргарлик қўрил-моқда. Биз, қурувчилар ҳам мамлакатимизнинг энг улуғ, энг азиз айёмига бир қатор объектларни ишга туширган ҳолда, муносиб совға тўхфа этиш-ни мўлжаллаганмиз. Байрам арафасида 2-гид-рометаллургия заводида 2 та тегирмон блоки, 3-гидрометаллургия заводида градирия биноси, Жанубий кон бошқармасида 400 ўринли маийиш бино, “Довғизтов” қонида 250 ўринли ошхона қу-рилиши объектларини фойдаланишга топшири-лади.

Олдимизда янада улкан марралар турибди. Жумладан, “Мурунтов” қонини ўлаштиришнинг V босқич (2-навбати), “Нуқракон, Космоначи, Оқ-жетпес конларида қумуш таркиби маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини қуриш”, 2-ГМЗда олтин ва қумушнинг аффинаж қилиш учун янги тайёр маҳсулот цехини қуриш каби йирик лойиҳаларни амалга оширишни бошлаймиз. Бу-нинг учун куч ва имкониятларимиз етарли. Чунки аҳил, ҳар қандай вазифани уddалашга қодир таж-рибали ва профессионал жамоамиз бор. Албат-та, комбинатимиз қурувчи-бунёдкорлари ўзларига билдирилган юксак ишончини бундан бўён ҳам ша-раф билан уddалайдилар.

Мирзабой АЛҚАРОВ,
“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ
Бош директорининг инвестициялар ва
капитал қурилиш бўйича ўринбосари.

■ Ишлаб чиқариш ижодкорлиги



Бугунги кунда мамлакатимиз саноат салоҳиятини ошириш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш кўп жиҳатдан илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясига боғлиқ. Саноат ва ишлаб чиқариш соҳасида инновацион ечимлар, муаллифлик ишланмалари ва патентланган ихтироларни амалиётга татбиқ этиш давр талабига айланди. Эскирган технология ёндашувлардан воз кечилиб, амалий илм-фанга кенг йўл очилаётгани ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғинида ўз ижобий натижасини бермоқда.

ТАШАББУС ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

Кейинги йилларда Навоий кон-металлургия комбинати олимлари ва муҳандис-техник ходимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар бевосита цех ва конларда ўз ечимини топмоқда. Кончилик, металлур-гия, ресурс тежамкорлик ва экология каби стратегик йўналишларда қўлга киритилган кўплаб патентлар ҳамда муаллифлик ғувоҳномала-ри шундан далолат беради. Аҳамиятлиси, олинган патентлар асосан маҳаллий ҳомашё ва чиқиндиларни қайта ишлаш, маъдан таркибида-ги фойдалаи компонентларни ажратиб олиш коэффицентини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёниларини автоматлаштиришга қаратилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Илм-фаннинг ишлаб чиқаришга фаол кириб келиши, энг аввало, ра-қамларда ва иқтисодий кўрсаткичларда намоён бўлмоқда. Янги патент-ланган технологиялар ва рационализаторлик тақлифларининг жорий этилиши натижасида маҳсулот таннархини сезиларли даражада арзон-лаштиришга эришилмоқда. Импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар ва реагентларни маҳаллийлаштириш бўйича қилинган ихтиролар эса хо-рижий валюта маблағларини тежаб қолмоқда.

Замонавий корхонанинг рақобатбардошлиги ва ривожланиш истиқ-боллари, энг аввало, ундаги илмий салоҳият ҳамда янгиликларни амалиётга кенг жорий этиш билан ўлчанadi. Комбинатда бу жараён иқти-содий самара бераётти. Сўнгги йилларда комбинатда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари сифат жиҳатидан мутлақо янги бос-қичга кўтарилди. Ходимларнинг хорижий тажрибаларни пухта эгалла-гани, фан-техника ютуқларини тежорлик билан ўзлаштири олиши ҳамда ишлаб чиқаришдаги мураккаб муаммоларга аниқ илмий ечим топа би-лиши корхонанинг инновацион фаоллигини таъминламоқда. Сўнгги ўн йилда комбинатнинг юксак илмий салоҳиятга эга мутахассислари томо-нидан яратилган 37 та ихтиро патент билан ҳимояланди. Жумладан, 34 таси Ўзбекистон Республикаси, иккитаси Швейцария ва Германиядаги “Патент кооперация тўрисида”ги шартнома бўйича халқаро патент та-лабномасига мувофиқ бажарилган ҳамда яна бири Россиянинг Интел-лектуал мулк федерал хизмати томонидан берилди.

2018-2025 йилларда 1 минг 432 та рационализаторлик тақлифидан комбинат қарийб 650 миллиард сўм иқтисодий самарадорликка эриш-ди.

“НКМК” АЖ Инновацион ривожлантириш департаменти тадқиқотлар ва ишланмалар гуруҳи бош мутахассиси Наргиза Камолова ихтирочи-лик муҳитини кўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар ҳақида тўх-талар экан, шундай дейди:

- Комбинатда изланувчан, ихтирочи ва ташаббускор ёшлар сафи мунтазам кенгайиб бормоқда. Изланувчан мутахассисларимиз геоло-гия, кончилик, механика, энергетика, транспорт, ахборот технологияла-ри ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш каби қатор соҳаларда наза-

рий ва амалий янгиликлар яратиб, ҳамкасбларига ибрат бўлишмоқда. Энг муҳими, уларнинг инновацион ғоя ва ишланмалари шунчаки қоғоз-да қолмай, ишлаб чиқариш жараёниларига фаол татбиқ этилиб, юқори иқтисодий самара келтирмоқда. Корхонанинг бош мақсадларидан бири ҳам айнан янгича фикрлайдиган, мураккаб вазифаларга оқилона ечим топа оладиган замонавий муҳандис кадрларни тарбиялашдан иборат. Бугун корхонамизда илмий изланишда бўлган, муаммолни масалаларга инновацион ёндашадиган ёш мутахассислар жуда кўп. Улар ишлаб чи-қаришдаги тўсиқларни бартараф этиш учун доим ўз билим ва қўнжма-ларини ошириб бормоқдалар. Ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти ва ижодий имкониятларини рўёбга чиқариши учун корхонада кенг им-кониятлар яратилган бўлиб, бугун улар эришяётган ютуқлар кўпчилик-нинг ҳавасини уйғотмоқда. Бу муҳитни шакллантиришда ходимларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутadi. Комбинат-да йўлга қўйилган ўнта йўналиш бўйича “Энг яхши рационализаторлик тақлифи” танлови, шунингдек, “Ёш рационализаторлар ва ихтирочилар клуби” мутахассисларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқармоқда. Қўнда бўлиб ўтган навбатдаги танлов ҳам соҳада янгиликка интилиш кучли эканини яна бир бор кўрсатди. Унда қатнашган 281 нафар иш-тирокчи томонидан кон-металлургия, IT, транспорт, хавфсизлик ва ат-роф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларни янада ривожлантиришга қаратилган 257 та рационализаторлик тақлифи илгари сурилди. Албат-та, бундай кўрсаткичлар ва амалий натижалар ортида янгича фикр-лайдиган, изланишдан тўхтамайдиган муҳандис-мутахассисларнинг фидокорона меҳнати ётибди. Бу борада Алишер Қўлдошев, Сухроб Рахимов, Сухробжон Раҳмонов, Гулям Сулейманов, Элёр Рустамов, Абдор Ярбеков ва Бекзод Атабаев каби ташаббускор мутахассислар ишлаб чиқаришга ўзларининг муҳим рационализаторлик тақлифларини тақдим этишди. Улар томонидан илгари сурилган инновацион ечимлар электр энергиясини тежаш, ускуналарнинг хизмат мuddатини узайти-риш, металл ажратиб олиш ва геологик таҳлиллар аниқлиги сифати-ни оширишда юқори самара бермоқда. Шунингдек, Шербек Мусаев, Азим Джураев, Шохрух Собиров, Абдор Қувватов, Бахтиёр Махмудов, Владимир Мастогин, Жамшид Бахронов ҳамда Жамшид Холбековлар томонидан тақлиф этилган оқилона ечимлар ҳам амалиётда қутилган натижалари кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ўз соҳасининг фидойилари бўлиш Анвар Якубов, Артур Исаев, Дауирхан Якияев, Жонибек Рах-матов, Азиз Солиев, Евгений Серков, Шухрат Мавлонов, Сардор Нор-баев ва Фарҳод Хайдаров каби муҳандисларнинг муаллифлик ғоялари корхонанинг ресурс тежамкорлик салоҳиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Дилдора КАРИМОВА.

■ Люди комбината

История каждого грамма золота начинается задолго до того, как в карьер выходит первый экскаватор. Она начинается с работы геологов. Именно они определяют строение месторождения, прогнозируют его развитие на глубине и принимают решения, от которых зависит будущее добычи на десятилетия вперед. Особенно ярко это проявляется на Мурунтау — крупнейшем золотом карьере мира, который по праву считается главным месторождением Навоийского горно-металлургического комбината и одним из символов горнодобывающей отрасли Узбекистана.

ВИДЕТЬ БУДУЩЕЕ В НЕДРАХ ЗЕМЛИ

Для главного геолога Навоийского горно-металлургического комбината Сергея Вячеславовича Руднева геология стала не просто профессией, а делом всей жизни. Более сорока пяти лет его трудовой путь связан с НГМК — предприятием, которое сегодня входит в число мировых лидеров золотодобывающей промышленности.

Свою карьеру он начал в 1980 году после окончания Старооскольского геологоразведочного техникума, придя на производство лаборантом-радиометристом. Позже окончил Навоийский государственный горный институт, работал главным геофизи-ком, а с 2005 года возглавляет геологическую службу комбината.

За эти годы изменилась сама геология. Если раньше основой работы были бумажные карты, журналы бу-рения и многолетний опыт специа-листов, то сегодня геологи работают с трёхмерными цифровыми моделями месторождений, интеллектуальными информационными системами и технологиями, позволяющими прогнозировать развитие горных руд, с высокой точностью. Сергей Вя-чеславович стал одним из тех руко-водителей, кто обеспечил успешное сочетание богатого практического опыта отечественной геологической школы с современными мировыми подходами к изучению недр.

Одним из важнейших направле-ний его деятельности является раз-витие геологического моделирования месторождения Мурунтау. Геологи-ческая служба под его руководством участвует в создании и совершен-ствовании пространственных моделей рудных тел, анализе их строения, уточнении геологических параметров и планировании разработки объе-диненного карьера «Мурунтау – Мю-тенбай». Именно такие модели ста-новятся основой для принятия про-изводственных решений и позволяют эффективно планировать добычу на годы вперед.

Особое место занимает страте-гическое планирование развития месторождений. Под руководством Сергея Вячеславовича ведется ра-бота по оптимизации календарных

планов разработки, уточнению гра-ниц добычи, распределению запасов по природно-технологическим зонам. От качества этих решений напрямую зависят эффективность добычи, коэффициент извлечения золота и рациональное использование бога-тейших природных ресурсов Кызыл-кумов.

Современная геология уже давно перестала быть исключительно поис-ковой наукой. Сегодня она объединя-ет разведку, добычу и переработку в единый технологический процесс. Сергей Руднев активно развивает именно такой комплексный подход. Геологическая информация стано-вится основой для выбора техно-логических схем переработки руды, оптимизации процессов обогащения и повышения эффективности всего производственного цикла — от недр до готовой продукции.

Большое внимание уделяется внедрению современных геофизи-ческих и радиометрических методов исследования. Использование рент-генорадиометрической сортировки руд, дистанционных методов ана-лиза и современных геофизических технологий позволяет значительно повысить точность оценки качест-ва сырья, сократить потери по-лезного компонента и повысить эффективность переработки.

Последние годы стали временем масштабной модернизации геоло-гической службы НГМК. Одним из ключевых направлений является пе-реход на международные стандар-ты оценки минеральных ресурсов JORC. Геологическая служба учас-твует во внедрении современных под-ходов к аудиту запасов, трехмерному блочному моделированию месторо-ждений и цифровизации геологораз-ведочных работ. Это имеет страте-гическое значение для дальнейшего развития предприятия и укрепления его позиций на мировом рынке.

Сегодня коллектив геологической службы под руководством Сергея Вячеславовича обеспечивает пол-ный цикл геологоразведочных работ — от поиска новых золоторудных проявлений до детальной развед-ки действующих месторождений и



прироста запасов. Продолжаются исследования глубоких горизонтов уникального месторождения Мурун-тау, ведутся поисковые работы на перспективных площадях Кызыл-кумов, расширяется сырьевая база комбината.

При этом Сергей Вячеславович остается не только руководителем, но и учёным. Он является соавтором ряда научно-технических публика-ций, посвященных геологическому моделированию, планированию раз-работки месторождений, внедрению современных технологий разведки и совершенствованию производ-ственных процессов. Его научные разработки находят практическое применение в работе крупнейше-го горнодобывающего предприятия страны.

Высокий профессионализм, стратегическое мышление, принципиальность и преданность профессии заслужили ему искреннее уважение коллектива и признание профессионального сообщества. В 2024 году указом Президента Респу-блики Узбекистан Сергею Вячеславо-вичу было присвоено почетное зва-ние «Заслуженный геолог Республи-ки Узбекистан». Ранее его труд был отмечен медалью «Шухрат», нагруд-ными знаками «Горняцкая слава» и «Ветеран НГМК».

Геологи редко бывают на пер-вых полосах газет. Их работа на-чинается там, где заканчивается видимая часть производства — в глубине недр, среди геологических разрезов, моделей и научных расче-тов. Но именно их знания позволяют открывать новые месторождения, планировать добычу на десятиле-тия вперед и обеспечивать устойчи-вое развитие предприятия. Поэтому, рассказывая о Сергее Вячеславо-виче Рудневе, мы рассказываем не только о человеке, посвятившем свою жизнь геологии, но и об истории успеха Навоийского горно-металлур-гического комбината, частью которой он стал.

Насиба ШАМУРАТОВА.
Фото Виктора ЯКОВЛЕВА.

■ Долзарб мавзу

Янги Ўзбекистон – янгича имкониятлар мамлакати. Бунда, ҳар бир соҳа ва тармоқ халқ манфаатини кўзлаб, янги даврга хос юксалиш йўлидан ҳаракатланади. Саноат тармоқларини рақамлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини саноатга кенг жорий этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

РАҚАМЛИ МОДЕРНИЗАЦИЯ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ, РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Хусусан, кон-металлургия соҳасида технологик жараёнларни автоматлаштириш – ишлаб чиқариш барқарорлиги, хавфсизлиги ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятида ҳам ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳамда технологик жараёнларга автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бундай муҳим лойиҳалардан бири – “3-гидрометаллургия заводидаги асосий цехларни автоматлаштиришни кўллаб-қувватлаш мақсадида технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизими, сервер ускуналари ва контроллер қурилмаларини модернизация қилиш” лойиҳаси

муваффақиятли яқунланди.

Мазкур модернизация лойиҳаси доирасида 3-гидрометаллургия заводининг Биооксидланиш, Флотация ва Майдалаш цехлари, Компрессор станцияси, Айланма сув таъминоти станцияси ҳамда Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш участкасида кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилиб, замонавий PLC контроллерлари, юқори ишончли сервер ускуналари, саноат Ethernet коммутаторлари, оптик алоқа тармоқлари, оператор панеллари (HMI), аналог ва дискрет кириш-чиқиш модуллари, коммуникация процессорлари, электр таъминоти блоклари ҳамда технологик назорат-ўлчов асбоблари ўрнатилди. Ижро механизмлари янгиланиб, барча қурилмалар мавжуд автоматлаштирилган бошқарув тизимига интеграция қилинди.

Модернизация жараёнида бошқарув шкафлари реконструкция қилиниб, сервер инфрату-

зилмаси янгиланди, саноат алоқа тармоқлари такомиллаштирилди. Бу эса технологик маълумотларни тезкор қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатиш имкониятларини янада кенгайтди. Лойиҳанинг муҳим босқичларидан бири бўлган монтаж, электр улаш, конфигурациялаш, дастурий таъминлаш, функционал синов ҳамда ишга тушириш-созлаш ишлари белгиланган техник талаблар асосида тўлиқ бажарилди.

Модернизация натижасида технологик жараёнларни марказлашган ҳолда бошқариш ва реал вақт режимида мониторинг қилиш имкониятлари янада кенгайди. Автоматлаштирилган бошқарув тизими орқали технологик параметрларнинг доимий назорати таъминланиб, эҳтимолий носозликларни эрта аниқлаш ҳамда тезкор чоралар кўриш имконияти яратилди. Бу эса авариявий тўхташларни камайтириш, ускуналардан ишончли фойдаланиш таъминлаш ҳамда технологик жараёнларни бошқариш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бунга биргина мисол. Майдалаш цехида релле химоя тизимларидаги носозликлар сабаб нам-майдалаш тегирмонларида йилгига ўртача 10 марта авариявий тўхташлар кузатилар, бу эса ишлаб чиқариш жараёнининг узилиши ва қўшимча йўқотишларга олиб келарди. Автоматлаштириш тизими ва сервер инфратузилмасининг модернизация қилиниши натижасида, муаммо бартараф этилди. Мазкур янгиланиш корхонада йилгига қўшимча минг тонна маъдани қайта ишлаш имкониятини яратди. Жаҳон бозоридagi оптикнинг ўртача нархидан келиб чиққан ҳолдаги ҳисоб-китобларга кўра, бу янгиланиш, йиллик 2,5 миллиард сўмлик иқтисодий самара демакдир. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги таъминланиб, асосий технологик ускуналардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда қурилмалардан фойдаланиш коэффициенти (КИО) кўрсаткичи сезиларли даражада ошди. Янги авлод сервер ускуналари ва саноат алоқа тармоқларининг жорий қилиниши туфайли маълумотлар хавфсизлиги ва тизим барқарорлиги ошиб, ишлаб чиқариш объектилари ўртасидаги ахборот алмашинуви янада самарали ташкил этиляпти. Оператор панеллари ва замонавий назорат-ўлчов воситалари эса технологик жараёнларни бошқаришнинг аниқлиги ва тезкор ишлашини жадаллаштирмоқда.

Заводда амалга оширилган мазкур модернизация лойиҳаси “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятида рақамли трансформация жараёнларини изчил давом эттириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда замонавий автоматлаштириш технологияларини кенг жорий этиш босидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Келгусида ҳам комбинатда ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш, интеллектуал бошқарув тизимларини ривожлантириш ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали ишлаб чиқаришнинг ишончилиги ҳамда иқтисодий самарадорлигини янада оширишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилади.

Наим АМОНОВ,
Шимолий кон бошқармаси директори.

Хабибулла ОМОНОВ,
ШКБ Операцион самарадорлиқни ошириш бўлими муҳандис-технолог.

■ Коррупция – тараққиёт кушандаси

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК – ФАОЛИЯТИМИЗ БОШ МЕЗОНИ

Коррупцияга қарши курашиш фақат давлат органларининг вазифаси бўлиб қолмасдан, балки ҳар бир фуқаронинг фуқаролик бурчига айланиши зарур. Зеро, жамиятда ҳалоллик, адолат ва қонун устуворлиги тамойиллари қарор топмас экан, барқарор тараққиётга эришиш мушкул.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида коррупцияни давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган ҳамда жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид сифатида таъкидлаб ўтди. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатида коррупциянинг олдини олиш ва унинг профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу вазифаларни самарали амалга ошириш ва тизимли мувофиқлаштириш мақсадида, комбинатимизда Комплаенс хизмати ташкил этилган.

Комбинатимиз Комплаенс хизмати ходимлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаб, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларини бартараф этиб келмоқдалар. “НКМК” АЖда Комплаенс хизмати тамонидан 2026 йил 20 январда 2026 йил давомида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш ҳамда очиклик ва шаффофлиқни таъминлаш йўналишида амалга оширилиши режалаштирилган 24 банддан иборат чора-тадбирлар дастури тасдиқланди ва дастурунинг 9 та банди ижроси тўлиқ таъминланди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида жамият ҳаётини янги босқичга кўриб чиқиш учун қилинган 47 та ҳужжатлар лойиҳалари ва 20 та фуқаро қабули бўйича расмийлаштирилган баённомалар лойиҳалари бош юрисконсулт билан биргаликда ҳуқуқий ва коррупциявий экспертизадан ўтказилди. Марказий аппарат ва таркибий бўлинмаларнинг коррупцияга қарши ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган 3 минг 629 та ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларидан 134 таси норматив-ҳуқуқий ва ички идоравий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштирилди.

Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижаларига кўра, 1 400 та функциялар баҳоляниб, шундан 2 та “юқори”, 34 та “ўрта” ва 1 364 та “паст” даражадаги хавф-хатарлар аниқланди ҳамда уларни олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан 2026 йил 4 мартда 29 та банддан иборат Дастур тасдиқланди ҳамда унинг ижроси назорат қилинмоқда. Комплаенс хизматига келиб тушган 516 та ижро ҳужжатларининг ижро мuddати келган 281 тасининг ижроси ўз вақтида таъминланди. 9 та юридик ва жисмоний шахслардан мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 7 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган, биттаси қис-

ман қаноатлантирилган ва қолган бир дона мурожаат ўрганиш жараёнида.

Танлов ва меҳнат қонунчилиги доирасида ишга қабул қилинган 1 331 нафар ходимларнинг меҳнат шартномаларига ҳамда “НКМК” АЖ томонидан тузилган 6 332 та ҳужжалик шартномаларига коррупцияга қарши шартлар киритилди.Ўрганишлар натижасида 41 та буйруқлар амалдаги норматив-ҳуқуқий ва ички идоравий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштирилди.

Жамиятда фаолият юритаётган 5 787 нафар бошқарув ходимларига йиллик эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация тўлдиртилди. Дастлабки таҳлиллар натижасида 13 та мавжуд ва 54 та эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан тегишли тартибда қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига кўра, 2026 йилнинг 1-ярим йиллигида 29 турдаги маълумот ва ҳисоботлар “Э-Anticor.uz” электрон платформасига киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан тегишли маълумотларнинг белгиланган мuddатларда Жамиятнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши таъминланмоқда.

Жамиятнинг www.nkmk.uz расмий веб-сайтида ҳамда ички порталда (жамият ходимлари учун) жорий этилган “Коррупцияга қарши курашиш” ва “Очиқ маълумотлар” бўлимларида ички идоравий ҳужжатлар, очик эълон қилиниши белгиланган маълумотлар, мурожаатларни юбориш учун тегишли алоқа каналлари, ижтимоий видеореоликлар ҳамда Хизматнинг масъул ходимлари тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилди ҳамда ушбу маълумотлар доимий тарзда янгиланиб борилиши назоратга олинди.

Жамият фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, уларнинг жамоатчилик ва фуқаролар олдида ҳисобдорлигини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари ва корхона ишчи-ҳодимлари иштирокда 2026 йилнинг 17 февраль ва 22 апрель кунлари “НКМК” АЖ Марказий аппарати биносида брифинг ҳамда 12 март куни “Фарҳод” маданият саройининг кичик мажлислар залида матбуот анжумани ўтказилди.

Азамат БОЗОРОВ,
Комплаенс хизмати масъул ходими.

■ Ахборот

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни муносабати билан Зарафшон шаҳридаги "Олтин водий" маданият саройида тантанали тадбир ташкил этилди.

КАСБ БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

Унда Зарафшон шаҳар ҳокими Н.Раҳманов ҳамда «НКМК» АЖ бош муҳандиси А.Равшановлар сўзга чиқиб, соҳанинг Навоий кон-металлургия комбинати тизимида меҳнат қилаётган фидойиларини табриклади.

Кўтловда қурилиш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч тармоқларидан бирига айлангани алоҳида қайд этилди. Шу билан бирга, соҳа ходимлари олдида катта вазифалар тургани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимларининг касб байрами муносабати билан бир гуруҳ фаол қурувчилар кўкрак нишонлари, фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Байрам тадбирида "Олтин водий" маданият саройи санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар давргага файз бағишлади.

ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛИ ЎТКАЗИЛДИ

Аҳоли ва ишчи-ҳодимлар билан очик мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва бевосита жойида ҳал этиш мақсадида “НКМК” АЖ Бошқаруви раиси – Бош директори Қ.Санакуловнинг навбатдаги қабули ўтказилди.

Қабулда 10 нафар фуқаронинг ишга жойлашиш, ишини кўчириш, меҳнат муносабатлари, соғлиқни тиклаш ва бошқа масалалар юзасидан мурожаатлари кўриб чиқилди.

Фуқароларнинг ишга жойлашиш бўйича мурожаатларига комбинатда танлов асосида ишга қабул қилиш тизими жорий этилганилиги, унга кўра мурожаатчилар синов имтиҳонларида иштирок этиши ва ўтказилган синов жараёнида тўплаган балл натижалари асосида ишга жойлашиш масаласи кўриб чиқирилиши тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Қабулда мурожаатлар атрофлича ўрганиш ва асослантирилган жавоб бериш учун тегишли мута-саддиларга йўналтирилди.

Мансур ХУСАНОВ.

■ Ёш ихтирочилар

МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, касб эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, меҳнати ва интилиши билан ютуқларга эришаётган ёшлар сафида Жанубий кон бошқармаси Кончилик бўлими етакчи муҳандиси Сухроб Раҳмонов ҳам бор. У Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги Ўкрач маҳалласида туғилиб, вояга етган. Мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицейда таҳсил олди. Навоий давлат кончилик ва технологиялари университетини муваффақиятли битириб, ёш мутахассис сифатида Жанубий кон бошқармасида меҳнат фаолиятини бошлади.

Бугун у ўзининг меҳнатсевар, изланувчан ва ташаббускорлиги билан ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлиб улгурди. Ёш муҳандис ўз зиммасига юклатилган вазифаларни сиздиқидан бажариш билан бирга, соҳани ривожлантиришга қаратилган янги гоялари устида ҳам мунтазам ишлаб келмоқда.

Талабалик йиллариданоқ турли кўрик-танловлар ва тадбирларда фаол иштирок этган Сухроб Раҳмонов қатор диплом, сертификат ва ташақкурномалар соҳиб бўлган. Хусусан, комбинатнинг “Энг фаол ёш мутахассиси” танловида “Энг фаол ёш кончи” номинацияси ғолиби сифатида эътироф этилган. Шунингдек, “Заковат” интеллектуал ўйинлари ва спорт мусобақаларидаги иштироки ҳам унинг ҳар томонлама фаол ёш эканини кўрсатади.

Сухроб Раҳмонов мутахассис сифатида ўзининг шаклланишида устозларининг ўрни беқиёс эканини алоҳида таъкидлайди. Ҳасан Аҳмедов, Акбар Нормуродов, Жаҳонгир Бегматов, Абдураззоқ Худоев ва Тўлқин Низомов каби тажрибали мутахассислардан олган билим ва ҳаётий сабақлар унинг касбий камолотида муҳим аҳамият касб этган.

Ёш мутахассиснинг жамиятда ўз ўрнини топишида устозлар кўмаги жуда муҳим. Ҳозир ҳам устозларимнинг мас-лаҳатларидан баҳраманд бўламан. Улардан ўрганган энг муҳим сабақ — ҳар қандай ишга меҳр билан ёндашишдир, — дейди у.

Сухроб Раҳмонов нафақат ишлаб чиқариш жараёнида, балки инновацион гояларни амалиётга татбиқ этишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Айни вақтда у бир нечта рационализаторлик таклифлари устида иш олиб бормоқда. Уларнинг айримлари ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиниб, ўз самарасини кўрсатаёпти.

Бугунги кунда саноат корхоналарида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, ер ости конларида олиб бориладиган ишлар юқори хавф даражаси билан ажралиб туради. Бундай шароитда ишчилар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда хавфсиз меҳнат муҳитини яратиш ишлаб чиқаришнинг устувор талабларидан бирига айланган. Навоий кон-металлургия комбинатида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қара-



тилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва ходимларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган рационализаторлик таклифлари амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. С.Раҳмонов ва Жанубий кон бошқармаси Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи С.Раҳимов ҳамкорлигида ишлаб чиқилган “Жанубий кон бошқармаси ер ости конларида маъдани магазинлаб майда шурлар ёрдамида қазиб олиш тизимини қўллаб, қазиб олинаётган қазилма бирликларида ишларни хавфсиз амалга ошириш” мавзусидаги рационализаторлик таклифи “Зармитан” ва “Ғужумсой” ер ости конларида маъдан қазиб олиш жараёнида портлатиш ишларини хавфсиз амалга оширишга қаратилган. Ушбу таклифнинг асосий мақсади ер ости конларида меҳнат қилаётган ходимлар хавфсизли-

гини таъминлашдан иборат. Маълумки, маъдан қазиб олиш жараёнида қазилма бирликлари ичида бўшлиқлар ҳосил бўлади. Бу эса тоғ массасининг қутилмаган силжиши билан боғлиқ хавфларни келтириб чиқариши мумкин. Таклиф айнан шу каби хавфларни бартараф этишга қаратилган.

Рационализаторлик ечимига кўра, қазилма бирлигида иш бошлашдан олдин махсус трапплар ўрнатилади. Кейин эса қўшимча хавфсизлик воситаси сифатида анкерлар мустаҳкамланиб, ишчиларнинг химоя камарлари ушбу анкерларга бириктирилади. Натижада ходимлар иш жараёнида доимий равишда муҳофаза-ланган ҳолатда бўлишади.

Бу усул ишчиларнинг қазилма бирлигида хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайди, тоғ массаси остидаги бўшлиқлар

таъсирида юзага келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олади. Шунингдек, иш жараёнидаги хавф омилларини камайтириш орқали меҳнат муҳофазаси талабларининг тўлиқ бажарилишига хизмат қилади.

Ер ости конларида ҳар бир хавфсизлик чораси инсон тақдири билан боғлиқ. Шунинг учун ушбу таклифни ишлаб чиқишда асосий эътибор ишчиларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилди. Қазилма бирликларида хавфсиз иш шароитини яратиш орқали эҳтимолий бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мумкин. Зеро, ишчилар хавфсизлиги таъминланган жойда меҳнат унумдорлиги ҳам, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам юқори бўлади, — дейди С.Раҳмонов.

Дилдора ТЎЛҚИНОВА.

HAMKORLIKDA HIKMAT KO'P

O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining o'ttiz besh yilligi oldidan "Bolajon" telekanali jamoasi Janubiy kon boshqarmasi ishchi-xodimlari farzandlari ishtirokida turkum ko'rsatuvlar tayyorladi.



Ijodiy safar davomida Nurobod tumanidagi "Nurobod" madaniyat uyida "Bolajon shou", Kattaqo'rg'on tumanidagi "So'g'diyona" bolalarni sog'lomlashtirish oromgohida "Ekolav", Qo'shrabot tuman Zarkent qo'rg'onidagi 13-maktabgacha ta'lim tashkilotida "Qaqajonlar" va "Er-takchi bolajon" kabi ko'rsatuvlar suratga olindi.

O'n bir kishilik ijodiy guruh, jumladan, Hurriyat Yakubova, boshlovchi va aktyor Barot Hasanov, yosh boshlovchilar Sheroz Shamsiddinov, Xonzoda Husanova va Imona Hasanboeva va boshqalar, shuningdek, Izzatulla Kamilov, Anvar Salimov, Dilnoza Turdiqulova va Mukambar Gulyamova kabi taniqli ijodkorlarning bu jarayondagi faol ishtiroki ko'rsatuvlarning yanada mazmunli va qiziqarli tayyorlanishini ta'minladi.

Bolajonlarimiz orasida mashhur bo'lgan ko'rsatuvlar poytaxtdagi studiyada emas, balki hududlarda, ya'ni, konchi-metallurglar farzandlari ishtirokida tayyorlanishi faoli-

yatimizda yangi qadam bo'ldi. Taklifimizni qo'llab-quvvatlagan tashkilotchilar, shu jumladan, NKMK xodimlari kasaba uyushmasi Kengashiga alohida minnatdorchilik bildiramiz! Shuni alohida ta'kidlash kerakki, oromgoh hamda madaniyat uyida yaratilgan sharoitlarni ko'rib, bu maskanlarda tarbiyalanayotgan iste'dodli jangi o'g'il-qizlarga nihoyatda havasimiz keldi. Zero, ular bu g'amxo'rlikdan har qancha quvonsa arziydi. Kelgusida Navoiy kon-metallurgiya kombinati, NKMK xodimlari kasaba uyushmasi Kengashi bilan hamkorlikni yo'lga qo'yishni niyat qildik, - deydi telekanal rahbari Dilbar Usmonova.

Ko'rsatuvlarni tayyorlashda Janubiy kon boshqarmasi hamda "NKMK jamg'armasi" "Nurobod" hududiy boshqarmasi jamoalari amaliy yordam ko'rsatdilar.

Dildora ATABAEVA.

■ **Inson qadri**

MAS'ULIYAT VA ISHONCH MEZONI

Fuqarolar va ishchi xodimlarning murojaatlarini o'z vaqtida ko'rib chiqish, ularning qonuniy yechimini ta'minlash va muammolarni tizimli bartaraf etish aholi hamda mehnat jamoasining ishonchini mustahkamlashga xizmat qiladi.

Joriy yilning birinchi yarim yiligi yakunlari bo'yicha "Qizilqum" kon boshqarmasiga jami 365 ta murojaat kelib tushgan. O'tgan 2025 - yilning shu davrida mazkur ko'rsatgich 553 tani tashkil etgan. Bu, murojaatlar sonini 188 taga yoki qariyb 34 foizga kamayganini ko'rsatadi. Mazkur natija murojaatlar bilan ishlash tizimini takomil-lashtirish, profilaktik ishlar va joylarda olib borilayotgan sayyor qabullar va ochiq muloqotlar samarasidir.

Murojaatlarning asosiy qismi ishga joylashish hamda ish joyini ko'chirish masalalari, ya'ni meh-

nat munosabatlari bilan bog'liq. Shuningdek, fuqarolar ishga tik-lash, ish haqi, pensiya, nafaqa pullari tayinlash va boshqa hayoti-y masalalarda murojaatlar qilish-gan. Har bir murojaat qonunchilik talablari asosida atroflicha o'rga-nilib, muro-jaatchilarga belgilan-gan muddatlarda asosli javoblar berilmoqda.

Kon boshqarmasida muroja-atlar bilan ishlashda qonuniylik, xolislik va ochiqlik tamoyillariga qat'iy amal qilinib, har bir mu-rojaat qat'iy nazoratga olinadi. Murojaatlar tahlili orqali mavjud muammolar aniqlanib, ularni bar-

taraf etish, ishchi-xodimlar uchun yanada qulay mehnat sharoitlarini yaratish va fuqarolar bilan ochiq muloqotni kuchaytirish bo'yicha zarur choralar ko'rilmogda.

Zero, har bir murojaat-bu in-sonning ishonchi va umidi. Uni o'z vaqtida, adolatli va qonuniy hal etish har bir rahbar va xodimning yuksak mas'uliyati hamda tashki-lot nufuzining muhim ko'rsatkichi-dir.

Mastura LATIFOVA,
"Qizilqum" kon boshqarmasi
Jismoniy va yuridik shaxslarning
murojaatlari bilan ishlash xizmati
boshlig'i.

■ **Sport**

ZARAFSHONLIKLAR OSIYO CHEMPIONI



O'zbekiston sportchilari joriy yilning 6-9 - avgust kunlari Toshkent shahrida o'smirlar va kattalar o'r-tasida o'tkazilgan pauerlifting bo'yicha Osiyo chemp-ionatida yana bir bor yaxshi natijalarni qayd etdi.

Unda Shri-Lanka, Qozog'iston, Qirg'iziston, Toji-kiston, Turkmaniston va O'zbekiston kabi 10 ga yaqin davlatdan saralangan sportchilar ishtirok etdi. Mamlakatimiz sharafigi Zarafshon shahridagi "Alpomish" sport klubi pauerlifting maktabi sportchilari himoya qildilar. Ikki

yuz nafardan ortiq sportchilar o'rtasida kechgan qizg'in bahslar natijasiga ko'ra zarafshonlik iqtidorli sportchilar Elnur Sayfullaev, Canjar Bobomurotov hamda Nadejda Malyuginalar o'z vazn va yosh toifalarida g'oliblikni qo'l-ga kiritib, shohsupaning yuqori pog'onasiga ko'tarildilar. Bu, ularning xalqaro musobaqalardagi navbatdagi g'a-labalaridir. Shuningdek, Sanjar Bobomurotov musoba-qaning absolyut hisobida ham yuqori natijani qayd etib, kumush medalni qo'lga kiritdi.

Nargiz XAMIDOVA.

■ **Gender tenglik**

TAJIRIBA O'RGANDILAR



Joriy yil 5-17-iyul kunlari "NKMK" AJdan 5 nafar xotin-qiz Chexiya Respublikasi poytaxti Praga shahrida Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti tomonidan tashkil etilgan gender tenglik va inklyuzivlikka bag'ishlangan xalqaro o'quv-amaliy seminarida ishtirok etdilar.

Ish-tirokchilar Yevropa Ittifoqida gender teng-likni ta'minlashga qaratilgan huquqiy me-xanizmlar, mehnat va shaxsiy hayot muvozanati, ish haqi shaffofligi, korporativ boshqaruvda inklyuziv yondashuvlar hamda inson kapitalini rivojlan-tirishga oid ilg'or tajribalar bilan tanishdi-lar. Dastur doirasida xotin-qizlarda "Czechitas", "Women in Tech CR" va "Impact Hub Prague" kabi tashkilotlar to'g'risida batafsil tushuncha shakllandi. Seminar davomida ayollarning ax-borot texnologiyalari sohasidagi kasbiy va ra-

qamli ko'nikmalarini rivojlantirish, innovatsion tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash, startap ekoti-zimi, mentorlik dasturlari va ayollarning texno-logiya sohasidagi ishtirokini kengaytirish bo'-yicha amalga oshirilayotgan loyihalar taqdim etildi. Seminar qatnashchilari xalqaro ekspertlar rahbarligida o'tkazilgan amaliy mashg'ulotlar, guruhli muhokamalar va keys-tahlillarda qat-nashib, Yevropa tajribasini o'rganish va o'zaro fikr almashish imkoniyatiga ega bo'ldilar. O'quv dasturi madaniy-ma'rifiy tadbirlar bilan ham bo-

ytilganligini alohida ta'kidlash joiz. Kombinat xotin-qizlari Praga shahrining madaniy merosi va me'moriy yodgorliklari, jumladan, XIV asrda barpo etilgan va Praganing asosiy ramzla-ridan biri sanaladigan Karl ko'prigining betakror me'morchiligi hamda Chexiya madaniy mero-sidagi o'rni haqida ma'lumotga ega bo'ldilar. Seminar doirasida Chexiyaning mashhur ku-rort shahri – Karlovi Variga ham tashrif amal-ga oshirildi. Issiq mineral buloqlari va betakror me'moriy qiyofasi, shu bilan birga, 60 - Karlovi Vari xalqaro kinofestivali muhiti, Praganing qa-dimiy markazi, tarixiy maydonlari va obidalari, mamlakatning boy o'timishi va milliy an'analari bilan tanishish imkoniyatiga ega bo'ldilar.

O'zbekiston Respublikasi Tog'-kon sanoati va geologiya vazirligi hamda "NKMK" AJ rah-bariyatining qo'llab-quvvatlashi tufayli mazkur o'quv-amaliy seminarida respublikamiz vakilla-ridan 14 nafar kishi qatnashdi va gender tenglik masalalari bo'yicha xalqaro tajribani o'rgandilar. Xotin-qizlarga yaratilayotgan bunday imko-niyatlar nafaqat ularning shaxsiy yutuqlariga, balki korxonamiz va mamlakatimiz taraqqiyotiga munosib hissa qo'shadigan salohiyatli, tashab-buskor va zamonaviy fikrlaydigan mutaxassislar safini kengaytirishga xizmat qiladi.

Nigora AMONOVA,
"NKMK" AJ gender tenglik va
inklyuzivlik xizmati bosh mutaxassisi.

■ **Kulturna**

КОГДА ОТКРЫВАЕТСЯ ЗАНАВЕС КАК ДВОРЕЦ КУЛЬТУРЫ «ОЛТИН ВОДИЙ» СТАЛ ТВОРЧЕСКИМ СЕРДЦЕМ ЗАРАФШАНА



Есть города, где главным символом ста-новятся широкие проспекты или современ-ные здания. А есть города, душу которых определяют люди и места, куда они при-ходят не по обязанности, а по зову сердца.

В Зарафшане таким местом уже многие годы остается Дворец культуры «Олтин водий». Здесь не добывают золото и не плавят металл, но происходит не менее важная работа — рождаются мечты, раскрываются таланты, воспитывается любовь к искусству. Именно сюда спешат дети после школы, здесь прохо-дят семейные праздники, звучат аплодисменты, а первый выход на сцену нередко становится событием, которое человек помнит всю жизнь.

Для города, выросшего среди бескрайних песков Кызылкума благодаря самоотвержен-ному труду нескольких поколений работников Навоййского горно-металлургического ком-бината, Дворец культуры давно стал гораздо большим, чем учреждение культуры. Это место встреч, общения и вдохновения, где каждое поколение оставляет свою страницу истории.

Сегодня «Олтин водий» переживает настоящее второе рождение. После масштабной реконструкции, завершённой в 2026 году, Дворец культуры заметно преобразился. Простор-ный зрительный зал на 594 места получил новые комфортные кресла, современная сцена — театральное оборудование и занавесы, а фойе украсила уникальная мозаика ручной работы с национальными мотивами. Обновился и фасад здания, гармонично вписавшийся в современный облик Зарафшана. Но ремонт изменил не только внешний вид здания. Он открыл новые воз-можности для творчества, позволив проводить мероприятия на качественно новом уровне.

Эти перемены стали возможны благодаря под-держке руководства Совета профсоюза НГМК, Объединённого профсоюзного комитета №3 и ГУ «Фонд НГМК», которые уделяют большое внимание развитию культуры и созданию совре-менных условий для творческой самореализа-ции работников предприятия и жителей города.

Однако главное богатство Дворца культуры невозможно измерить ни квадратными метрами, ни стоимостью оборудования. Его настоящее богатство — люди, которые каждый день де-лают всё, чтобы Дворец культуры оставался местом притяжения для жителей Зарафшана.

- Когда люди приходят во Дворец культуры, они должны чувствовать, что здесь их ждут, - го-ворит председатель профсоюзного комитета-8 Дворца культуры «Олтин водий» Анна Цветко-ва. - Поэтому мы постоянно работаем над тем, чтобы он становился красивее, современнее и уютнее. Вместе с руководством решаем вопро-сы ремонта, оснащения, создания комфортных условий для наших коллективов и зрителей. Но

самое важное — это жизнь, которая здесь не прекращается ни на один день. Весь год мы гото-вим концерты, праздники, фестивали, работаем с детьми и молодёжью. Для нас Дворец культуры — это не просто место работы, а часть жизни.

Каждый день в репетиционных залах зву-чит музыка. За зеркалами хореографичес-ких классов оттачиваются движения будущих выступлений. В мастерских детские руки соз-дают первые картины и поделки. Кто-то де-лает свои первые шаги на сцене, а кто-то уже готовится к международным фестивалям.

Сегодня в «Олтин водий» работают 13 творческих коллективов и три кружка изобразительного и декоративно-прикладно-го искусства, объединяющие 465 участников. Значительную часть из них составляют дети работников Навоййского горно-металлургиче-ского комбината. Для многих именно здесь начинается путь, который со временем при-водит к большим сценам и серьёзным победам. Результаты этой работы говорят сами за себя.

Только за первое полугодие 2026 года во Дворце культуры состоялось 133 культурно-массовых мероприятия. Концерты, театри-зованные представления, государственные и профессиональные праздники, творческие



встречи, интеллектуальные игры и семейные программы объединили более 34 тысяч зри-телей и участников. Для города это не про-сто цифры — это тысячи встреч, улыбок, ап-лодисментов и счастливых воспоминаний.

Высокий уровень подготовки кол-лективов подтверждают и престиж-ные международные конкурсы.

Национальный танцевальный ансамбль «Шодиёна» под руководством Лутфии Рахма-товой стал двукратным победителем I Между-народного фестиваля-конкурса «Samarkand Grand Festival», одержав победу в номинациях «Национальный танец» и «Народный стилизо-ванный танец». Ансамбль современных эстрад-ных ударных инструментов «Allegro», которым руководит Аида Мостовая, удостоен Гран-при

и двух первых мест международного фести-валя-конкурса «Шахризоднинг калейдоско-пи». Фольклорно-этнографический ансамбль «Дилнаво» под руководством Ойсары Фахрид-иновой завоевал два первых места на меж-дународном фестивале в Ташкенте. Особенно успешным стал год для эстрадного вокального ансамбля «Fonterra» под руководством Сино-ры Музафаровой, который привёз домой сра-зу два Гран-при и три первых места междуна-родного фестиваля «Tashkent Spring Festival».

Эти достижения — не случайные победы. За каждой наградой стоят месяцы репетиций, ежедневный труд руководителей коллективов, поддержка родителей и огромное желание са-мих участников становиться лучше. Именно так формируется творческая школа «Олтин водий», известная далеко за пределами Зарафшана.

Особое внимание здесь уделяется и другим направлениям творчества. Более пятидесяти юных художников и мастеров занимаются в круж-ках «Изобразительное искусство», «Бисеропле-тение» и «Умелые руки». Их работы регулярно становятся украшением городских выставок и неизменно вызывают интерес жителей региона.

Не менее важную миссию выполняет библио-тека Дворца культуры. Сегодня её фонд насчиты-вает 37 827 экземпляров книг, а постоянными чита-телями являются более двух тысяч человек. Пол-ная цифровизация книжного фонда значительно расширила возможности обслуживания, а пе-редвижные библиотеки позволяют доставлять книги даже жителям общежитий Зарафшана.

Развиваясь вместе с городом, Дворец культуры осваивает и новые направления деятельности. С июня 2026 года здесь реал-изуется программа оказания платных ус-луг. Полученные средства направляются на дальнейшее укрепление материально-технической базы, приобретение оборудова-ния и реализацию новых творческих проектов.

Даже летом, когда концертный сезон ста-новится менее насыщенным, жизнь «Ол-тин водий» не замирает. Сотрудники Дворца культуры работают в детских оздоровительных лагерях «Зарафшон», «Табассум», «Пахла-во» и «Ёшлик», организуют праздники, кон-церты, конкурсы и работу творческих круж-ков. Для сотен детей именно эти летние сме-ны становятся временем новых знакомств, первых выступлений и ярких впечатлений. ...Вечером зрительный зал пустеет. Гаснет свет

рампы, закрывается занавес, затихают послед-ние аккорды. Но уже завтра всё повторится вновь. В репетиционных классах снова зазвучит музы-ка, дети будут учиться новым движениям, худо-жники возьмут в руки кисти, а библиотекарь помо-жет очередному читателю найти нужную книгу...

В Зарафшане добывают золото. Это дело требует мастерства, терпения и труда. А во Дворце культуры бережно открывают другое богатство — человеческие таланты. Их невоз-можно взвесить или измерить, но именно они делают жизнь города ярче, объединяют по-коления и наполняют её вдохновением. Пока каждый вечер здесь открывается занавес, у За-рафшана будет место, где рождаются мечты.

Насиба ШАМУРАТОВА.